

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ
ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ
ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутати Отабек Абдуҳамидович Абдуғаниев, 24-Ибн Сино сайлов округидан сайланган депутати Фарход Бакоевич Умаров, 100-Водил сайлов округидан сайланган депутати Илхом Аббосович Носиров бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан уларнинг депутатлик ваколатлари муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ва халқ депутатлари Сирдарё, Бухоро, Фарғона вилоят Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 март,
№ 826.